

## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 05 | pp. 73-82 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИШГА ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ



**Каримов Жавлон Қўзиевич**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Амалий математика кафедраси, доцент

**Аннотация:** мақолада ҳудудларда Олий таълим тизимининг камбағалликни қисқартишга таъсирини баҳолаш бўйича кўплаб усуллари ўрганилиб, ижтимоий ривожланиши, мавжуд номутаносибликлар, турли даражадаги иерархиядаги бошқарув қарорларини шакллантириш ва қабул қилишнинг самарасиз тизими асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нотекислигини баҳолаш ҳамда прогнозлашнинг концептуал механизми ва унинг ишлаш босқичлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** камбағаллик, олий таълим, математик моделлаштириш, қамров даражаси, стратегия, инсон капитали, тенгсизлик.

### ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ВЫПУСКНИКОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ НА СНИЖЕНИЕ УРОВНЯ БЕДНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Каримов Жавлон Кузиевич**

Ташкентский государственный экономический университет

Кафедра прикладная математика, старший преподаватель

**Аннотация:** в статье рассматриваются многие методы оценки влияния системы высшего образования на снижение бедности в регионах, а также описываются концептуальный механизм общественного развития, существующие диспропорции, оценка и прогнозирование неравномерности социально-экономического развития регионов на основе неэффективной системы формирования и принятия управленческих решений на разных уровнях иерархии и этапах ее функционирования.

**Ключевые слова:** бедность, высшее образование, математическое моделирование, уровень охвата, стратегия, человеческий капитал, неравенство.

## ASSESSING THE IMPACT OF HIGHER EDUCATION GRADUATES ON POVERTY REDUCTION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Karimov Javlon Kozievich**

Tashkent State University of Economics

Department of applied mathematics, senior teacher

**Abstract:** the article examines many methods of assessing the impact of the higher education system on reducing poverty in the regions, and describes the conceptual mechanism of social development, existing imbalances, the assessment and forecasting of the unevenness of the socio-economic development of the regions based on the inefficient system of formation and adoption of management decisions at different levels of the hierarchy, and the stages of its operation. done

**Key words:** poverty, higher education, mathematical modeling, coverage level, strategy, human capital, inequality.

### KIRISH

Жаҳон иқтисодиётининг глобал миқёсда ўта қашшоқликда яшовчи одамлар сони бир неча ўн йиллар давомида қисқариб бормоқда, яъни 1982 йилдаги 1,94 миллиард кишидан 2017 йилда 696 миллион кишигача. 1981 йилда 4,5 миллиард кишидан 2021 йилда 7,8 миллиарддан ошади. Сўнгги ўн йилликларда умумий қашшоқлик даражаси сезиларли даражада яхшиланган бўлса-да, бир қанча мамлакатларда қашшоқлик ўсиши кузатилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, 696 миллион киши ҳали ҳам ўта қашшоқликда яшаб, кунига 1,90 АҚШ долларидан кам маблағга тирик қолишади. Ушбу одамларнинг 430 миллиондан ортиғи дунёдаги энг қашшоқ минтақа бўлган Африканинг Сахрои Кабирида яшайди [1]. Ушбу статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда бутун дунё миқёсида нотекис ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳукм сурмоқда.

Бутун Жаҳон банкининг қашшоқлик ва тенгсизликнинг глобал, минтақавий ва мамлакат даражасидаги баҳоларини тақдим этадиган онлайн таҳлил воситаси бўлган янги Қашшоқлик ва тенгсизлик платформасининг (PIP-Poverty and Inequality Platform) бета-версиясини кўрмоқда. PIP ҳозирда PovcalNet ва Poverty & Equity Data Portal орқали кириш мумкин бўлган маълумотларни бирлаштиради. Бета-синов босқичидан сўнг, PIP 2022 йил март ойида мавжуд веб-сайтларни алмаштиради. Янги глобал қашшоқлик чегаралари бўйича эслатма: Қашшоқлик маълумотлари энди олдинги нашрларда 2011 йилги PPP билан таққослаганда, 2017 йилда сотиб олиш қобилияти паритети (PPP) нархларида ифодаланган. 2,15, 3,65 ва 6,85 долларлик янги глобал қашшоқлик чегаралари 2017 йил нархларида паст даромадли, қуйи ўрта даромадли ва ўртадан юқори бўлган мамлакатларнинг одатий миллий қашшоқлик чегараларини акс эттиради[2]. Шу маънода худудий тенгсизлик, мумкин бўлган номутаносибликлар худудларда иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш ва камбағалликни баҳолаш билан боғлиқ бошқарув қарорлари билан тартибга солинадиган моделларни ишлаб чиқишни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги[3] қарорида белгиланган ижтимоий ҳимоя тизимининг инклюзивлигини ошириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг даромадини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда аҳоли эҳтиёжманд қатламининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имкониятларини кенгайтириш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратиш вазифаларини белгиланганлиги мазкур тадқиқотнинг долзарб масаллага қаратилганлигидан далолат беради.

### MAVZUGA OID ADABIYOTLARNING TAHLILI

Худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва истиқболларини баҳолаш масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан: хорижий олимлардан R.Adams[4], M. Ravallion, S.Chen[5], Lin[6] H.Bhanumurthy[7], Arndt James, Arndt Simler[8], N.Birdsall, J.L.Londono[9], S.Arjun[10], G.S.Fields[11]лар ушбу соҳада илмий изланишлар олиб боришган.

МДХ давлатлари мутахассис олимларидан N.V.Kovalenko[12], О.В.Гаращук, В.И.Куценко[13], И.Ансофф[14], А.Л.Гапоненко[15], Г.А. Парсаданов [16], Ю.В.Яковца[17], В.Н.Лексин, А.Н.Швецов [18] ва бошқалар назарий тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбек иқтисодчи олимларидан О.Х.Махмудов[19], К.П.Узаков[20], Х.Х.Абдураманов[21], Т.М.Ахмедов, Р.Р.Хасанов, Г.А.Алимова[22]лар Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, тараққиёти оилаларда камбағалликни қисқартириш ҳамда бандлигини ошириш масалалари бўйича тадқиқот олиб борганлар.

Аммо ушбу тадқиқотларда айнан олий таълим тизимининг камбағалликни қисқартиришга таъсирини, уларининг ривожланишини мувозанатли кўрсаткичлар тизими ҳамда ҳудудлар салоҳиятини эконометрик баҳолаш ишлари тадқиқ этилмаганлиги мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот ишида ижтимоий соҳага бўлган эътиборни камбағалликни қисқартиришга бўлган таъсирини ўрганамиз Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланган (камбағаллик)даражасини –  $Y_1$  ўзгаришига таъсир этувчи, республика аҳолисининг пенсия ва ижтимоий ёрдам олувчилари сони –  $X_1$ , республикадаги ишсизлик даражаси –  $X_2$ , республика аҳолисининг яшаш минимуми –  $X_3$ , аҳоли жон бошига умумий реал даромад –  $X_4$  ва олий таълимга қамров даражаси –  $X_5$  кўрсаткичларини танланди. Албатта, оимлар тўғри танланганлигини аниқлаш учун дастлаб корреляцион коэффицентини аниқлаймиз (1-жадвал).

## 1-жадвал


**Ўзбекистон Республикасининг кам таъминланган  
(камбағаллик) даражасини ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг  
корреляция коэффицентлари**

	$Y_r$	$X_1$	$X_2$	$X_3$	$X_4$	$X_5$
$Y_r$	1					
$X_1$	0,71251	1				
$X_2$	-0,83833	0,746132	1			
$X_3$	-0,80113	0,656538	0,719109	1		
$X_4$	0,77231	0,748249	0,677787	0,689071	1	
$X_5$	0,83829	0,876678	0,761903	0,766613	0,761697	1

Аниқланган 1-жадвал қийматларига кўра,  $Y_{r2}$ -омилга нисбатан республика аҳолисининг пенсия ва ижтимоий ёрдам олувчилари сони  $-X_1$  ( $r_{Y_{r2},X_1}=0,71251$ ) ва аҳоли жон бошига умумий реал даромад  $-X_4$  ( $r_{Y_{r2},X_4}=-0,77181$ ) ўртачадан кучли зичликда ҳамда олий таълимга қамров даражаси  $-X_5$  ( $r_{Y_{r2},X_5}=0,83829$ ) кучли зичликда тўғри боғланган, ишсизлик даражаси  $-X_2$  ( $r_{Y_{r2},X_2}=-0,83833$ ), республика аҳолисининг яшаш минимуми  $-X_3$  ( $r_{Y_{r2},X_3}=-0,80113$ ) кучли зичликда тескари боғланганлиги аниқланди. Шунинг таъкидлаш жоизки, натижавий омилга таъсир этувчи сифатида танланган омиллар ўртасида  $r_{X_1,X_2}<0,8$  шартга кўра мультиколениарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни *EViews* дастури орқали давом эттириш мумкин. Бунинг учун дастлаб омилларни бир жисли кўрсаткичга келтириб олиш учун уларни е асосга кўра натурал логорифмлаб оламиз. Тадқиқот натижасида қуйидаги логорифмик чизиқли регрессия тенгламаси аниқланди:

$$\ln Y_r = 3,4 \ln X_1 - 0,0013 \ln X_2 - 4 \ln X_3 + 0,94 \ln X_4 + 0,92 \ln X_5 - 17,628 \quad (1)$$

Аниқланган 1-регрессия тенгламаси параметрларини t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак,  $\alpha=0,05$  ва  $df=16$  бўлган ҳолда  $t_{жад}=2,1199053$  га тенглигидан бирорта параметр аҳамиятли эмаслигини кўриш мумкин бўлсада,  $\alpha=0,05$  эҳтимоллик билан олинган бўлиб, бу ҳолатда барча параметрларнинг муҳимлиги келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида барча параметрларнинг аҳамиятлилигини ретроспектив сифат мезонлари MAPE (Mean Absolute Percentage Error – ўртача мутлоқ фоиз хатоси) ва TIC (Tayl inequality coefficient – Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови) билан қайта текшириш талаб этилади (1-расм).



**1-расм. (1)-регрессия тенгласининг ретроспектив сифат натижалари**

1-расмда келтирилган маълумотларга асосан таъкидлаш мумкинки, MAPE=2,79 бўлиб, бу ўз навбатида MAPE=2,79<10% ва TIS=0,017<1 шартнинг бажарилишидан аниқланган 1-регрессия тенгласи параметрларининг барчасини аҳамиятлилиги келиб чиқади. Энди олинган натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида ҳосил қилинган 1-регрессия тенгласини потенцирлаб олинади ва унга қўра қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$Y_t = \frac{X_1^{3.4} * X_4^{0.94} * X_5^{0.92}}{X_2^{0.0013} * X_3^{4} * e^{17.628}} \quad (1^*)$$

Аниқланган 1\*-регрессия тенгласини аҳамиятлилигини  $\alpha=0,05$  ва  $k_1=4$ ;  $k_2=16$  бўлганда  $F_{жад}=3,007$ га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати  $F_{хис}=36.3$  тенглигидан  $F_{жад}<F_{хис}$  шартга биноан 1\*-регрессия тенгласининг аҳамиятлилиги ҳамда DW=1,96 тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгласининг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади. Аниқланган адекват модел билан тадқиқот ишининг келгуси таҳлилларни олиб борамиз.

#### ТАҲЛИЛ VA НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Камбағалликка қарши кураш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, иқтисодий рағбатлантириш ва ушбу ҳодисанинг намоён бўлишига қарши курашиш учун мўлжалланган муассасалар ишининг сифати комбинациясига боғлиқ. Аҳолининг турмуш даражасининг юқори бўлиши, албатта, иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ва меҳнатга бўлган ялпи талаб ҳамда унинг таклифига боғлиқ. Бироқ, улар кичик бизнес субъектларини тўғри рағбатлантиришсиз камбағалликка қарши кураш муаммосини ҳал қила олмайдиган оралиқ омиллардир.

Иқтисодий самарадорликни тушунишнинг классик ёндашувларини, шунингдек, юқорида муҳокама қилинган ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, биз олий таълимда ушбу тушунчани олий таълим муассасалари фаолиятининг иқтисодий натижаларининг унинг моддий ва номоддий активларига нисбати сифатида белгилашни таклиф қиламиз. Олий таълимда иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш усулларига бағишланган кенг қўламли назарий ва эмпирик тадқиқотлар орасида учта асосий йўналишни ажратиш мумкин. Улардан биринчиси таълимга сарфланадиган харажатлар самарадорлигини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий манфаатдор томонлари (инвесторлари) хусусий шахслар ва таълимга харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилувчи давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш – олий таълим муассасаси рақобатбардошлиги учун бевосита масъул бўлган ҳудудий олий таълим муассасаси ёки олий таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини бошқарув мақсадлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш. Олий таълимнинг ҳар қандай ички ёки ташқи манфаатдор томонлари унинг самарадорлигини таҳлил қилишда амалга ошириши мумкин бўлган учинчи йўналиш олий таълим ресурсларидан самарасиз фойдаланиш билан боғлиқ инсоний, молиявий ва бошқа йўқотишларни баҳолашни ўз ичига олади. Энг кенг тарқалган ва услубий жиҳатдан юқори бўлган олий таълимнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишнинг биринчи йўналиши бўлиб, у инсон капиталига инвестициялардан иқтисодий фойда кўрсаткичларига асосланади.

Айнан инсон капитали назариясида таълимнинг шахс даромадларига, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига, иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликка таъсирини таҳлил қилиш мумкин. Ушбу йўналишда иқтисодий самарадорликни олий таълим учун ҳақиқий потенциал фойда ва харажатлар нисбати сифатида тушуниш ҳамда классик усулда тегишли харажатлар-фойда таҳлили усулини қўллаш мумкин. Олий таълим самарадорлигини эмпирик таҳлил қилиш методологиясига кўра, инсон капиталининг таълим компонентига инвестициялар, агар келажакдаги даромаднинг жорий қиймати харажатлардан катта ёки тенг бўлса, сарфланган инвестиция оқланади.

Тадқиқот натижаларидан кўриш мумкинки, асосий эътибор бизнингча, олий таълим қамровини ошириш бўлиб, бунинг натижасида инсон капитали ошади. Инсон капитали ошганда янги иш ўринлари очилади яъни яшаш тарзи кўтарилиб камбағаллик даражаси камаяди. Оддий қилиб айтганда, таълим даромад билан бевосита боғлиқдир. Таълим даражаси қанчалик юқори бўлса, одамнинг камбағаллик чегарасидан пастга тушиш эҳтимоли шунчалик кам бўлади. Бунинг сабаби шундаки, таълим юқори иш ҳақи билан боғлиқ кўникма ва билимларни беради. Таълим шунингдек, камбағалликнинг бошпана, сув санитария каби бошқа соҳаларида ҳам ижобий таъсир кўрсатади ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан яхшироқ фойдаланишга ёрдам беради. Шу маънода, юқорида аниқланган (1\*)-регрессия тенгламасига кўра, таҳлилларни амалга оширамиз:

$$Y_r = \frac{X_1^{3.4} * X_4^{0.94} * X_5^{0.92}}{X_2^{0.0013} * X_3^4 * e^{17.628}} \quad (1^*)$$

Агар ушбу тенгламага иқтисодий жиҳатдан изоҳ берадиган бўлсак, у ҳолда пенсия ва ижтимоий ҳимоядаги аҳоли сонини, аҳоли жон бошига умумий реал даромад миқдорини ва олий таълим битирувчилар сонини ҳар бирини алоҳида 1,0 %га оширилса, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг кам таъминланганлик даражаси мос равишда 0,4 %; 0,1 % ва 0,1 %га қўшимча ошиши аниқланди бу ўз навбатида республикада пенсия ва ижтимоий ҳимоядаги аҳоли сонини ҳамда аҳоли жон бошига умумий реал даромад миқдорини ошириш боқимандаликка олиб келиши аҳолини ишлашдан кўра кўпроқ дам олишига сабаб бўлишини аниқлатади. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, энг аввало , аҳоли жон бошига умумий реал даромадни ошириш ва олий таълимга қамров чегараларини ошириш камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда олий таълим битирувчиларининг сонини ошириш ҳисобидан камбағаллик даражасини камайтириш мумкин бўлсада, бу вақтинчалик бўлиб, у келгусида иш билан таъминлаш муаммосини ҳам келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида вилоятда янгидан юзага келадиган муаммоларга ҳам тайёр туриш лозимлигини аниқлатади.

Аммо, республикада аҳоли яшаш минимумини 1,0 %га оширадиган бўлсак, у ҳолда аҳолининг кам таъминланганлик даражаси қўшимча 0,4 фоизга камайиши мумкинлиги аниқланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ишсизлик даражасини ошиши ҳам кам таъминланганлик даражасини пасайишига сабаб бўлсада у сезиларли даражада ўзгартирмайди. Албатта келтирилган фикр мулоҳозалар айнан кузатилаётган давр оралиғига тегишли бўлиб, вақт ўтиши билан қилинадиган қарорлар ва хулосалар ҳам ўзгаради. Шу муносабат билан ҳар қандай жараённи ўрганиш уни маълум вақт оралиғида мониторинг қилиб бориш билан тартибга солиб туриш мумкин.

Юқорида аниқланган 1\*-регрессия тенгламаси бўйича унда қатнашган омилларнинг  $t=25$  бўлганда вақтга боғлиқ тренд тенгламалар тизимидан:

- пенсия ва ижтимоий ҳимоя сони:  $X_1=2890,7+61,2*t$ ;
- ишсизлик даражаси:  $X_2=-0,4+0,3*t$ ;
- яшаш минимуми:  $X_3=22,4+24,6*t$ ;
- аҳоли жон бошига умумий реал даромад:  $X_4=-955,6+798,2*t$ ;
- олий таълим битирувчиларининг сони:  $X_5=3738,6+21,7*t$ .

Келтирилган формулалар тизими ва умумий (1\*-тенгламадан фойдаланиб Ўзбекистон республикасида кам таъминланганлик (камбағаллик) даражаси ўзгаришини кўп омилли прогнози аниқланади.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон республикасида кам таъминланганлик (камбағаллик) даражаси ўзгаришини кўп омилли прогнози

Йиллар	Кам таъминланганлик	Пенсия ва ижтимо	Ишсизлик даражас	Яшаш минимуми, минг	Аҳоли жон бошига умумий	Олий таълим битирувчиларининг сони,



	даражаси, %	ий ҳимоя соғи, минг киши	и	сўм	реал даромад, минг сўм	минг киши
2023	11,0	4359,5	6,8	568	18201,2	4259
2024	10,2	4420,7	7,1	592,6	18999,4	4281
2025	9,5	4481,9	7,4	617,2	19797,6	4303
2026	8,9	4543,1	7,7	641,8	20595,8	4325
2027	8,3	4604,3	8,0	666,4	21394	4346
2028	7,8	4665,5	8,3	691	22192,2	4368
2029	7,4	4726,7	8,6	715,6	22990,4	4390
2030	7,0	4787,9	8,9	740,2	23788,6	4411

Аниқланган 2-жадвал маълумотларига кўра 2030 йилга бориб камбағаллик даражаси 2023 йилга нисбатан 0,4 %га камайиб 7,0 %га тушиши прогноз қилинган бу эса ўз навбатида 2030 йилда 2023 йилга нисбатан пенсия ва ижтимоий ҳимоя соғидаги аҳоли қатламини 428,4 минг кишига ва аҳоли жон бошига умумий реал даромад 5587,4 минг сўмга ошиб мос равишда 4787,9 минг кишига ва 23788,6 минг сўмга етиши билан кутилиши аниқланди.

Таҳлил натижаларидан хулоса қиладиган бўлсақ, олинган илмий натижалардан камбағаллик кўламини назарий тушуниш ва аниқлашда, камбағалликнинг тарқалиш ҳамда минималлаштириш тенденцияларининг камайтириш бўйича глобал ва давлат стратегиясини шакллантириш институтлари фаолиятини такомиллаштиришда инсон капитали қийматини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

#### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Таҳлил натижаларига асосан, Олий таълимнинг роли камбағалликни бартараф этишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади ва айниқса республикамизда бундай имкониятларни кенгайтириш учун кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Олий таълимнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га қўшган ҳақиқий ҳиссасини миқдорий баҳолашда мавжуд қийинчиликларга қарамай, у ҳар доим маҳсулдорликни ошириш орқали камбағаллик ва тенгсизликни камайтиришнинг таъсирчан воситаси бўлиб келган. Албатта, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий таркибий қисми сифатида таълим ва камбағаллик ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини биламиз. Чунки, ўқимишли одамлар юқори даромад олиш потенциалига эга ва ўз ҳаёт сифатини яхшилашга қодир, яъни уларнинг умуман жамиятда маргинал бўлиш эҳтимоли камроқ.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**



1. Poverty Rate by Country 2022. <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/poverty-rate-by-country>.
2. People lived below the \$2.15 per day poverty line in 2019. <https://pip.worldbank.org/home>
3. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича 4 йиллик стратегия ишлаб чиқилмоқда « “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори лойиҳаси эълон қилинди. <https://yuz.uz/news/ozbekistonda-kambagallikni-qisqartirish-boyicha-4-yillik-strategiya-ishlab-chiqilmoqda>
4. Adams, R (2002) Economic Growth, Inequality and Poverty: Findings from a New Data Set, Policy Research Working Paper 2972.
5. World Bank, February 2002, and Ravallion, M and S Chen (1997) ‘What Can New Survey Data Tell Us about Recent Changes in Distribution and Poverty?’ World Bank Economic Review, 11(2): 357-82
6. Lin (2003), Economic Growth, Income Inequality, and Poverty Reduction in People’s Republic of China, Asian Development Review, vol. 20, no. 2, 2003, pp. 105-24.
7. H.Bhanumurthy and H.Mitra (2004), Economic Growth, Poverty, and Inequality in Indian States in the Pre-reform and Reform Periods, Asian Development Review, vol. 21, no. 2, 2004, pp. 79-99.
8. Arndt, James, and Simler (2006), Has Economic Growth in Mozambique Been Pro-Poor?, Food Consumption and Nutrition Division Discussion Paper 202.
9. Birdsall, N. and J.L. Londono (1997), ‘Asset Inequality Matters: An Assessment of the World Bank’s Approach to Poverty Reduction’, American Economic Review, 87(2), AEA Papers and Proceedings: 32-37.
10. Sengupta Arjun, Human Rights to Development, Report of the Independent Expert on the Protection of Human Rights to Development [www.unhcr.ch/Huridocda/Huridoca.nsf/0/78e0cb0e6e6ea624c1256961004f7a98/\\$FILE.pdf](http://www.unhcr.ch/Huridocda/Huridoca.nsf/0/78e0cb0e6e6ea624c1256961004f7a98/$FILE.pdf) ;
11. Fields, G. S. (1989) “Changes in Poverty and Inequality in the Developing Countries”, mimeographed paper.
12. Kovalenko NV Poverty as a socio-economic category. State building. 2007. № 2. URL: [http://nbuv.gov.ua/UJRN/DeBu\\_2007\\_2\\_10](http://nbuv.gov.ua/UJRN/DeBu_2007_2_10).
13. Гаращук О. В., Куценко В. І. Контент фахової освіти: аналіз, оцінка, перспективи. Економічний аналіз: зб. наук. праць. Тернопіль: «Економічна думка». 2016. Том 24. № 1. С. 7–15.
14. И. Ансофф Стратегическое управление. М.: Экономика, 1989, 519 с.;
15. Гапоненко А.Л. Стратегия социально-экономического развития: страна, регион, город. -М.: Изд-во РАГС, 2001.- 224 с.
16. Парсаданов Г.А. Планирование и прогнозирование социально-экономической системы страны (теоретико-методологические аспекты): Учебное пособие для вузов.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.- 223 с.

17. Ю.В.Яковца. Теоретические основы и модели долгосрочного макроэкономического прогнозирования /под ред. - М.: МФК, 2004.
18. Лексин В.Н., Швецов А.Н. Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития. -М., 2000.
19. О.Х.Махмудов Оилаларда камбағалликни қисқартириш омиллари “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2021 yil. <http://www.iqtisodiyot.tsue.uz/267-276> б.
20. К.П.Узаков Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш Academic Research in Educational Sciences VOLUME 2 | ISSUE 10 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-10-579-594.
21. Абдураманов Х.Х. Демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик йўналишлари // Молия ва банк иши электрон илмий журнали. V сон. Сентябрь - октябрь, 2020. – 144-153 бетлар. [https://journal.bfa.uz/maqola/BFA\\_maqola\\_5\\_son.pdf](https://journal.bfa.uz/maqola/BFA_maqola_5_son.pdf)
22. Т.М.Ахмедов, Р.Р.Хасанов, Г.А.Алимова, Ўзбекистонда камбағалликни аниқлашнинг миллий мезонлари Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти <https://elibrary.ru/>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

